

МОВАРОУННАХРДА ФИҚҲ ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ ИСЛАМСКОГО ПРАВА В МАВЕРАННАХРЕ

THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF SCHOLARLY TRADITIONS OF ISLAMIC LAW IN MAWARANNAHR

KAMILOV Muzaffar Murodovich

International Islamic Academy of Uzbekistan,

Rector, Candidate of Historical Sciences,

Associate Professor

m.kamilov@iiu.uz

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2026/2/1

Аннотация. Ушбу мақолада Марказий Осиёда ҳанафийлик мазҳаби бошқа исломий мазҳаблар, фирқалар, мактаблар, тариқатлар орасида ўзига хос мавқени эгаллагани таҳлил этилган. Тадқиқ этилган манбалар шуни кўрсатадики, Мовароуннаҳрда IX асрдан бошлаб то XIII аср охиригача ҳанафийлик мазҳабида узлуксиз доимий анъаналар давом этган. Мақолада айнан мана шу жиҳатларга алоҳида урғу қаратилган. Ушбу мақолада мазҳабнинг буюк намоёндалари доираси - муфтийлар, мужтаҳидлар, устозлар, мўътабар матн, асарлар муаллифлари, ўз даврининг кўзга кўринган диний арбоблари шахсиятлари аниқланган. Улар ҳақида маълумотлар тўпланган. Биринчидан, ҳанафийлар анъаналарига суянган ҳолда, иккинчидан, йиғилган маълумотлар таҳлили натижаларига қараб, ушбу мактаблар тарихи бўйича янги илмий хулосалар илгари сурилган.

Мақолада Мовароуннаҳрда шаклланган Самарқанд, Бухоро, Шош, Фарғона, Хоразм ва Уструшана мактабларида етишиб чиққан фақиҳлар тўғрисида библиографик маълумотлар тақдим этилган бўлиб, уларга тегишли асарларнинг минтақа фиқҳ илми ривожига аҳамиятига ҳам тўхтаб ўтилган. Мазкур олимларнинг етишиб чиқиши ҳамда улар томонидан ёзилган асарларнинг мусулмон дунёсининг турли минтақаларига тарқалишида муҳим рол ўйнаган минтақадаги сиёсий-ижтимоий ҳолат ҳам таҳлил этилган. Ушбу омилар Мовароуннаҳр минтақаси XI-XIV асрлар оралиғида ҳанафий мазҳаби ривожланишининг марказига айланишига сабаб бўлгани мисоллар асосида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Ҳанафийлик, мотуридийлик, фиқҳ, фақиҳ, Мовароуннаҳр, фиқҳий мактаблар, ижтиҳод эшиклари, мужтаҳид.

Аннотация. В данной статье анализируется особое место ханафитского мазхаба среди других исламских мазхабов, течений, школ и суфийских тариқатов в Центральной Азии. Исследованные источники показывают, что в Мавераннахре с IX века до конца XIII века в рамках ханафитского мазхаба сохранялась непрерывная и устойчивая научная традиция. В статье особое внимание уделяется именно этому аспекту. Определён круг выдающихся представителей мазхаба – муфтиев, муджтахидов, наставников, авторов авторитетных текстов и трудов, а также видных религиозных деятелей своего времени. Собраны и систематизированы сведения об их жизни и деятельности. Во-первых, на основе ханафитской традиции, а во-вторых, исходя из результатов анализа собранных материалов, выдвинуты новые научные выводы по истории данных школ.

В статье представлены библиографические сведения о фақиҳах, сформировавшихся в самаркандской, бухарской, шашской, ферганской, хорезмской и уструшанской школах Мавераннахра, а также рассмотрено значение принадлежащих им трудов в развитии науки фикха в регионе. Кроме того, проанализирована политико-социальная обстановка в регионе, сыгравшая важную роль в становлении указанных ученых и распространении написанных ими произведений в различные области мусульманского мира. На основе конкретных примеров исследовано, как данные факторы способствовали превращению Мавераннахра в один из центров развития ханафитского мазхаба в период с XI по XIV век.

Ключевые слова: ханафизм, матуридизм, фикх, фақиҳ, Мавераннахр, правовые школы фикха, врата иджтихада, муджтахид.

Annotation. This article examines the distinctive position of the Hanafi madhhab among other Islamic legal schools, intellectual traditions, and Sufi orders in Central Asia. The analyzed sources demonstrate that from the ninth century until the end of the thirteenth century, a continuous and enduring Hanafi scholarly tradition existed in Mawarannahr. Particular emphasis is placed on this aspect throughout the study. The article identifies prominent representatives of the madhhab, including muftis, mujtahids, teachers, authors of authoritative texts and works, as well as leading religious figures of their time. Information concerning their lives and scholarly activities has been collected and systematized. Drawing, first, upon the Hanafi intellectual tradition and, second, upon the analysis of the gathered materials, the study advances new scholarly conclusions regarding the history of these schools.

The article presents bibliographic information on the jurists who emerged from the schools of Samarqand, Bukhara, Shash, Fergana, Khwarazm, and Ustrushana, which were formed in Mawarannahr, and also discusses the significance of their works for the development of the science of fiqh in the region. The study further analyzes the political and

social conditions in the region that played an important role in the rise of these scholars and in the dissemination of their writings across various parts of the Muslim world. Drawing on specific examples, the article examines how these factors contributed to Mawarannahr's emergence as a center for the development of the Hanafi school of law between the eleventh and fourteenth centuries.

Keywords: Hanafism, Maturidism, fiqh, faqih, Mawarannahr, schools of fiqh, gates of ijtihad, mujtahid.

КИРИШ

Мовароуннахрда ислом дини VIII аср бошларидан қарор топа бошлади. Бу жараён Қутайба ибн Муслим (ваф. 715) фаолияти билан боғлиқдир. У 704–715 йилларда Пайканд (706 й.), Бухоро (709 й.), Хоразм ва Самарқанд (712 й.), Фарғонагача (715 й.) етиб борди (Наршахий, 1966:119).

Бу ўринда араб истилосига қадар ҳам Мовароуннахр худудида шаҳар, қишлоқлар сони кам бўлмагани ва у ерларда юкори даражада ривож топган маданият мавжуд бўлганини таъкидлаш жоиз. Зеро, ўрта аср олимлари Кеш, Хива, Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Фарғона ўлкасидаги Андуқон, Кубо, Ахсикат, Марғилон, Хўжанд, Ўш, Сўх каби шаҳарларни таърифлар эканлар, шунинг баробарида Мовароуннахр шаҳарларидан Русия, Чин, Эрон шаҳарларига ўтувчи савдо йўлларини ҳам алоҳида қайд этадилар. Бу даврда Хоразм ва Фарғона ўлкалари турли жиҳатдан анча тараққий топган юртлардан ҳисобланган. Бундай марказлар улкан мусулмон шарқининг турли ўлкаларини, ғарб ва шарқ, шимол ва жануб мамлакатлари билан боғлаб турувчи қадимги «Ипак йўли» анъаналарини давом эттирган алоқа ўчоқлари сифатида машҳур бўлган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Марказий Осиёда маданий ҳаёт юкорида кўрсатилган сабаб ва омилар таъсирида ниҳоят даражада ривожланган эди. Бу маданий ривожланишда ислом илмларидан фикҳ илмининг хос ўрни ва аҳамияти бор. Зеро, фикҳ-ислом ҳуқуқшунослиги мусулмонлар турмуш тарзининг шариат мезонларига мувофиқ келишини таъминловчи соҳа сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, исломгача мавжуд бўлган маҳаллий анъаналар, урф-одат, ижтимоий-ахлоқий меъёрларнинг ислом дини талабига мос келиш ёки келмаслигининг айти шу фикҳий мезонлар билан белгиланиши Мовароуннахрда бу илм соҳасининг аҳамиятини юксалтириб юборди. Бундай тарихий шарт-шароит,

ўз навбатида, Мовароуннахрда маҳаллий фикҳ мактабларининг шаклланишига туртки бўлди.

Мовароуннахрда фикҳнинг ҳанафий мазҳаби устувор бўлганлигининг сабаби, бир томондан, IX асрда бу ерда маҳаллий фикҳ мактаби шаклланишида мазҳаб асосчисининг сафдоши ва шогирди имом Муҳаммад аш-Шайбонийнинг шогирди Аҳмад ибн Ҳафс Абу Ҳафс ал-Бухорий (ваф. 216/832) нинг хизматлари бўлса (Бартольд, 1963:122), иккинчидан, мазкур мазҳабнинг мезон ва тамойиллари маҳаллий шарт-шароитларга кўпроқ мос келганлиги эди. Бундан ташқари маҳаллий фикҳ мактабининг шаклланишига Балхдаги йирик ҳанафийлик марказининг ҳам таъсири катта бўлди.

Мазкур фикҳ мактабининг вужудга келиши хронологик жиҳатдан Сомонийлар ҳукмронлиги даврига (819-1005) тўғри келади. Айти шу даврда Балх билан Мовароуннахр ўртасидаги мустақкам маданий алоқалар ривожланган эди. Шунинг учун маҳаллий фикҳ мактаби шаклланган дастлабки даврларда унда Балх, Бағдод ва бошқа ҳанафий мазҳаби марказларининг таъсири сезилиб турди. Зеро, мовароуннахрлик уламолар дастлаб Бағдод ва халифаликнинг бошқа шаҳарларида таълим олишар, ўрганган илмларини дарс бериш ёки асарлар ёзиш орқали кейинги авлодга етказар эдилар (Бартольд, 1963:224).

Масалан, бухоролик Абу Абдуллоҳ Абу Жаъфар ал-Уструшаний бағдодлик Аҳмад ибн Али Абу Бакр ар-Розий ал-Жассос (303/916-370/981) дан таълим олган бўлса, самарқандлик Абу Мансур ал-Мотуридий Абу Наср ал-Иядийлар хуросонлик Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжонийдан, Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад ас-Самарқандий (ваф.372/983-84) ва Муҳаммад ибн Мансур ал-Навқадийлар эса Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний ал-Балхийдан (ваф.361/972-73) дарс олганлар (Муминов, 1990:40).

Қорахонийлар даврида (999-1211) фикҳ илми Мовароуннахрда юксакликка эришди. Энди фақиҳлар жамият ҳаётида муҳим ўрин тута бошладилар. Чунки улар мамлакатдаги ўзгаришларни ислом дини талабларига мос келиш ёки келмаслиги хусусида фикр билдира оладиган ягона тоифа кишилар эди. Улар кўпинча шаҳар аҳолисининг ўрта табақасига мансуб кишилар бўлиб, албатта, халқ оммасининг муаммолари, ташвиш ва қувончларидан яхши хабардор эдилар. Шу сабаб аҳоли турли масалалар бўйича ўзлари яшаб турган жойдаги фақиҳга мурожаат қиларди.

Қорахонийлар даврида Мовароуннахрда қатор йирик фикҳ олимлари яшаб ижод этган бўлиб, улар биринчилардан маҳаллий урф-одатлар ва ҳуқуқий мезонлар ичидан ҳанафий мазҳаби талабларига мувофиқ келадиганини ажратганлар

ва ёзма фатволарда акс эттирганлар. Улар сирасига Шамсулаимма ал-Халвоний, Шамсулаимма ас-Сарахсий (ваф.490/1097), Фахрулислом ал-Баздавий (400/1010-482/1090), Ифтихоруддин ал-Бухорий (ваф.569/1174), Фахруддин Қозихон (ваф.592/1196) каби алломаларни киритиш мумкин.

Энг эътиборлиси, бу даврда Мовароуннахрда фатво чиқара олиш қувватига эга фақиҳлар кўпчиликини ташкил этган. Мазкур даврнинг хусусияти - фақиҳларнинг ҳар хил мавзу ва ижтимоий соҳалардаги турли масалалар бўйича чиқарган фатволари тўпланиб, муайян муаллифларнинг асарларида жамланган. Айни пайтда бундай тўпламларнинг элликдан ортиғи мавжуд эди (Муминов, 1990:41).

IX-XII асрларда Мовароуннахрда маҳаллий диний-маънавий марказларда фикҳий йўналишларнинг ўрни

Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий (ваф. 832 й.) биринчи бўлиб, IX аср бошларида ҳанафий мазҳаб таълимотини ўз ватанига олиб келди. Бухоро шаҳрини ҳанафийликнинг муҳим марказларидан бирига айланишига хизмат қилди. Унинг тарбияси остида бир гуруҳ фақиҳлар, юксак даражали фақиҳ мартабасига етишди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича бу даврда Мовароуннахрда кечаётган жараён ҳали маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, бу минтақа ислом марказларида Хуросоннинг бир қисми ҳисобланарди. Фақиҳ гуруҳлари, Сомонийлар (875-999 йй.) амалдорлари зўравонликларидан аҳоли турли табақаларининг ягона ҳимоячиси сифатида чиққанликлари натижасида уларнинг ижтимоий обрўси ва таъсир доираси кенгая борди» (Муминов, 2003:42). Ўша даврда фикҳ илми турли жиҳатдан, масалан, яратилган асарларнинг озлиги нуқтаи назаридан ҳам шаклланиш ва кучга тўлиш даврини бошдан кечирмоқда эди.

Давлат ҳокимияти Қорахонийлар (999-1212 йй.)га ўтгандан кейин Мовароуннахрда фикҳ илмининг ривожини ва такомил учун таъсирчан омиллар юзага кела бошлади. Қорахонийлар давлати қарор топиши натижасида «Мовароуннахрнинг Хуросон билан алоқалари заифлашиб, оёққа турган маҳаллий мактабларнинг мустақил ривожланишига асос яратилди. Марказий шаҳарларда автоном бошқарувнинг кучайиши уламо гуруҳлари таъсир доирасининг кенгайишига олиб келди. Бу билан фикҳ нормаларини ҳаётга татбиқ этишга реал шароит яратилди.

Бухоро фақиҳлари томонидан усул ал-фикҳ ва фуруъ ал-фикҳ соҳаларида олиб борган илмий

ва амалий фаолиятлари маҳаллий ҳанафий фикҳ мактаби ривожига етакчи ўрин тутди.

Мовароуннахрда фикҳнинг ривожига ироқлик фақиҳлар, тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказиб келганлар.

Мовароуннахрга Ислом дини кириб келганидан сўнг жуда кўпчилик Куфага бориб, Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг таълимоти билан танишди ва сафарининг самараси ўлароқ унинг сўзлари ва фатволарини ўз юртига олиб келди. Шу тариқа Хуросон ва Мовароуннахр ҳудудлари Абу Ҳанифанинг таъсирида шаклланган алоҳида таълимотни қабул қилди.

Бағдодга бориб Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийдан таълим олган шогирдлари устозларининг йўлини Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларда ҳам тарқатишга ҳаракат қилдилар. Абу Ҳанифадан таълим олган ва мазҳаб таълимотларини Самарқандда ёйган уламолар – Абу Муқотил Ҳафс ибн Салим Фаззорий, Наср ибн Абу Абдулмалик Атакий, Шарик ибн Абу Муқотил, Маъруф ибн Абу Ҳасан, Юнус ибн Собих ва Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалийлардир. Булар орасида энг машҳури шубҳасиз, Абу Муқотил Самарқандий бўлган.

Абу Ҳанифа шогирдларининг Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларидан бири – Самарқандда олиб борган, таълим ва қозилик фаолиятлари узоқ вақт давом этди. 150/767 ва 300/912 йиллар оралиғида тахминан – бир ярим аср мобайнида Самарқандда муҳим ривожланишлар қайд этилди ва натижада мазкур ўлкада Самарқанд калом мактаби каби муҳим йўналишлар пайдо бўлди. Бошқа шаҳарларда бўлгани каби Самарқандда ҳам ижтимоий ҳаёт ҳанафий уламолари томонидан бошқарилди. Масалан, бунга Самарқандда қозиликка тайинланган ҳанафий уламолардан; 1. Муқотил ибн Ҳайён (ваф. 150/767 йилдан сўнг); 2. Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий (203–209/818–824); 3. Абу Усмон Салим ибн Абу Муқотил Фаззорий Самарқандий (ваф. 211/826 й.); 4. Умар ибн Абу Муқотил Фаззорий Самарқандий (ваф. 214/834 й.); 5. Абу Ҳафс Умар ибн Якуб Санжидизакый Самарқандий (ваф. 240/854 й.); 6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аслам ибн Абдуллоҳ ибн Муғирий (ваф. 286/881 й.); 7. Абу Наср Иёдий (ваф. 279/892 йилдан кейин)ларни келтириш мумкин.

Сомонийлар давлатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши даврларида Самарқанд қозилари бутунлай ҳанафий уламоларидан тайинланган. Қозилик лавозимига тайинланган уламолар расмий ишлари билан бирга, қизгин илмий фаолиятлар олиб бориб, фикҳ илмини ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Булардан ташқари, расмий мансабда

бўлмаган бошқа уламолар ҳам кенг кўламда илмий фаолиятлар олиб борган.

Марв, Балх ва бошқа бутун Хуросон ва Мавароуннаҳр ўлкасидаги Абу Ҳанифа тарафдорлари эътиқодий ва фикҳий масалаларда у зотнинг мазҳабига маҳкам боғланган эдилар (Насафий, 2017:356).

Самарқандда ҳанафий мазҳабининг Дор ал-жузжония ва Дор ал-иёдия икки мактаби кенг кўламда фаолият кўрсатган. IX асрда Самарқандда ҳанафийларнинг энг муҳим таълим маркази Дор ал-жузжония бўлган. Бунда Абу Мансур Мотуридий, у зотнинг устозлари ва шогирдлари фаолият юритган. Дор ал-иёдия – Абу Аҳмад Иёдий ва Абу Бакр Иёдий каби уламолар фаолият юритган таълим маркази бўлган. Ўша вақтда Хуросон, Сурия, Ироқ ва Онадўли каби ўлкалардан талабалар Самарқандга илм таҳсил қилиш учун келганлар.

Дор ал-жузжония Самарқандда Абу Ҳанифанинг мазҳабида фаолият кўрсатган муҳим илмий марказ бўлган. IV/X аср ўрталарига қадар аҳли раъй (ҳанафий мазҳаби) йўналишида, ундан сўнг асҳобул ҳадис (шофеий мазҳаби) йўналишида фаолият кўрсатган бу марказдан Абу Мансур Мотуридий ва кўплаб уламолар етишиб чиққан.

Дор ал-жузжония илм даргоҳига IX асрда Абу Муқотил Самарқандий томонидан асос солинган. Ундан кейин бу мактабни Абу Сулаймон Жузжоний ва Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Сабих Жузжоний ривожлантирган. Абу Муқотил ас-Самарқандий Абу Ҳанифанинг ёнида таълим олгандан сўнг Самарқандга қайтиб келиб, устозининг мазҳабидан толиби илмларга дарс берган.

Дор ал-жузжония таълим маркази уламоларнинг устозлик шажараси куйидагича берилган: Абу Ҳанифа (ваф. 150/767 й.) – Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф. 189/804 й.) – Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816 й.) – Фақиҳ Имом Абу Абдуллоҳ ибн Жузжоний – Шайх Фақиҳ Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний (ваф. 250/864 й.) – Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёдий (ваф. 275/888 й.) – Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944 й.).

Ушбу илмий марказ Самарқандда фаолият юритган бўлсада, мазкур устозлар силсиласида учта «Жузжоний» (Бугунги Афғонистон ҳудудида жойлашган вилоят бўлиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрни боғлайдиган йўл устида жойлашган) нисбали уламо мавжуд бўлганлиги сабабли, ушбу таълим даргоҳи «Дор ал-жузжония» номи билан танилган.

IX асрдан бошлаб ҳанафий мазҳаби билан бир қаторда шофиъий мазҳаблари Марказий Осиёда ўз нуфузига эга бўла бошлади.

Шофиъий мазҳабининг Марказий Осиёга кириб келиши имом Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шошӣ (ваф. 986 й.) номи билан боғлиқ. Ўша даврларда шофиъий мазҳаби Хуросонда катта эътибор қозонган эди.

Мовароуннаҳрда фикҳ илми маҳаллий диний маънавий марказларда фаолият юритган алломаларнинг илмий фаолияти асосида ривожланди. Умумий шаклда Мовароуннаҳр фикҳ мактаби номи билан юритилса-да, аслида бу ривожланиш Бухоро, Самарқанд, Насаф, Кеш, Хоразм, Уструшана, Шош ва Фарғона маҳаллий фикҳ мактаблари доирасида кечди.

Бухоро ва Самарқанд илм марказларида Насаф, Марв, Фарғона фақиҳлари ҳам фаолият кўрсатдилар» (Муминов, 2003:28).

Мазкур маълумотлар Мовароуннаҳрда IX асрда шаклланиб борган маҳаллий фикҳ мактаби минтақадаги Самарқанд, Бухоро каби йирик илм марказларидан ташқари Кеш, Насаф, Марғилон, Ўзган, каби шаҳарлардан етишиб чиққан алломалар томонидан ривожлантирилганлигини кўрсатади.

Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг ислом тарихида тутган ўрнининг яна бир характерли томони – бу ерда шаклланган бой илмий мерос ва амалий тажриба фақатгина Мовароуннаҳрдагина тарқалиб қолмай, балки бошқа мусулмон ўлкаларига, жумладан, араб мамлакатларига ҳам етиб бориб, у мамлакатларда ҳанафий мазҳабининг фикҳи ривожига ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилганидир. Қатор мусулмон мамлакатлари ҳукмдорлари сунний мусулмонлар мавқеини кучайтириш мақсадида мовароуннаҳрлик фақиҳларга мурожаат этганлар. Айниқса Бағдод ва Нишопурда ҳанафий мазҳаби нуфузи сусайиб кетгач, бунга эҳтиёж кучайган. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар Яқин Шарқ мамлакатларидаги фаолиятида, ҳанафий мазҳаби нуфузини оширишга хизмат қилдилар..

Хулоса қилиб айтганда, Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг фаолияти ўрта асрларда Яқин Шарқда илму маърифат ва маданият ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Бу минтақа фақиҳлари маҳаллий халқ анъаналарини, урф-одат ва расм-русумларини исломнинг илмий мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил этиб, уларни янги тарихий шарт-шароитларга мослаштиришга хизмат қилдилар ва бу соҳада ўзига хос мактаб яратдилар. Бу эса ўз навбатида, Марказий Осиё халқларининг ахлоқий, ҳуқуқий ва маънавий қадриятлари ислом маданияти ва ҳуқуқшунослигида ўз аксини топишида улкан ўринга эга. Мовароуннаҳр фикҳ мактаби вакиллари қатор Шарқ мамлакатлари ва Русиянинг мусулмон минтақаларида маҳаллий фикҳ мактаблари шаклланиши ва ривожига муҳим

ўрин тутиб, мусулмон маданияти равнакига бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Мовароуннаҳрда фикҳ илми маҳаллий диний маънавий марказларда фаолият юритган алломаларнинг илмий фаолияти асосида ривожланди. Умумий шаклда Мовароуннаҳр фикҳ мактаби номи билан юритилса-да, аслида бу ривожланиш Бухоро, Самарқанд, Насаф, Хоразм, Уструшана, Шош ва Фарғона маҳаллий фикҳ мактаблари доирасида кечди.

МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотда тарихий-қиёсий, манбашунослик ва биографик таҳлил методларидан фойдаланилган. Асосий бирламчи манбалар сифатида Муҳаммад Нарашхийнинг «Бухоро тарихи» (1966), Абдулкарим ас-Самъонийнинг «ал-Ансоб» (1999), Абдулқодир Қурашийнинг «Жавоҳир ал-музий»а» (1993), Муҳаммад Абдулҳай Лакнавийнинг «Фаво»идулбаҳийа» (1998), Абул Муин Насафийнинг «Табсират ал-адилла» (2017) ва Бедир (Bedir, 2010) ҳамда Муминов (1990; 2003)нинг замонавий илмий тадқиқотлари ишлатилган. Маҳаллий фикҳ мактаблари вакиллари биографик жиҳатдан тизимлаштирилган ва уларнинг илмий мероси таҳлил қилинган.

НАТИЖА

Бухоро мактаби. Аҳмад ибн Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий. Абу Ҳафс ал-Кабир 150/768 йили туғилиб (Bedir, 2010:37), 216/832 (Bedir, 2010:55) йил вафот этган.

Аҳмад ибн Ҳафс Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий (Бу ерда “ал-Кабир” нисбасини қўшиб айтилишига сабаб алломанинг ўғиллари ҳам фикҳ бобида йирик олим бўлиб, у кишини Абу Ҳафс ас-Сағир (ваф. ʸʸʸ) деб аташган) - факих, муҳаддис олим, Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг асосчиси. Бир қатор факихларга устозлик қилган. Ёзган асарларидан “كتاب الرد على” – “Китаб ар-Радд ‘ала ал-Аҳл ал-Аҳва” (Ҳавои аҳлларга раддия китоби), “كتاب الاختلاف” – “Китоб ал-Ихтилоф” (Ихтилофлар ҳақидаги китоб), “الرد على الرافضية” – “ар-Радд ‘ала ал-Рофидийа” (Рофизийларга раддия) кабилар маълум.

Абу Ҳафс ал-Кабир Аҳмад ибн Ҳафс ал-Бухорий Бағдодга бориб, у ерда Имом Муҳаммад билан учрашади ва ундан дарс ола бошлайди. ҳанафий мазҳаби фикҳини ўзлаштириб, бошқа диний илмларда камол даражасига етгандан кейин она шаҳри Бухорога қайтиб келади. Бу ерда у бир неча масжид ва мадрасалар қуриб, толиби илмларга

дарс ўтиб, одамларда пайдо бўлган турли саволлар ва масалаларнинг жавобларини айтиб беради.

Абу Ҳафс, ҳанафий мазҳаби таълимотларини биринчи бўлиб Мовароуннаҳрга олиб келди. Унинг қўлида кўпгина факихлар ва олимлар етишиб чикди. Бухорода илмнинг тарқалишига, имом ва уламоаларнинг ҳурмат топишига сабабчи бўлган киши Абу Ҳафс ал-Кабир бўлган. Абу Ҳафс кўпгина факихларни тарбиялаб камолга етиштирган (ас-Самъоний, 1999:13).

Олимлар унинг илму фазлини баҳолаб, уни «муаллими ислом», яъни ислом динининг муаллими, унинг шарофати билан Бухорони «Қуббат ал-ислом», яъни ислом дини гумбази ва у киши яшайдиган маҳалла дарвозасини «Ҳақроҳ», яъни ҳақ йўл деб аташган.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ёқуб ибн ал-Ҳорис ал-Устоз ас-Субазмуний (-ʸʸʸ/ʸʸʸ ʸʸʸ/ʸʸʸ йй.) – муҳаддис, факих, адабиётшунос, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ал-Кабирнинг шогирди (Лакнавий, ʸʸʸ:53; Камалиддинов, 1993:157). Ас-Субазмуний таҳаллуси Бухоро яқинидаги Субазмун ёки Субазмун кишлоғига нисбатан олинган. Сомонийлардан Исмоил ибн Аҳмад саройида факихлик вазифасини бажариб, фикҳий масалаларни ҳал этиш унинг зиммасида бўлгани учун Устоз деб ҳам аташган. Хуросон, Ирок, Ҳижозга сафар қилган ва кўплаб шайхлар билан учрашган. “كشف الآثار الشريفة” – “Кашф ал-Осор аш-Шарифа фи Маноқиб Абу Ҳанифа” (Абу Ҳанифа маноқибига оид меросни очиш) номли асари бор. Манбаларда унинг етти шогирди ва фикҳ мавзусидаги учта асари бўлганлиги хабар қилинади.

Шамсул-аимма Ҳалвоний (Ҳалвоий). Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ Шамс ал-аимма ал-Ҳалвоний (ал-Ҳалвоий) ал-Бухорий фикҳ илмини Ҳусайн ибн Али Насафийдан олган. У ʸʸʸ/ʸʸʸ йили Кеш шаҳрида дунёдан ўтиб, Бухорога келтирилиб дафн этилган. Унинг илмий макоми юксак бўлиб, машҳур мужтаҳидлардан ҳисобланган. Ал-Ҳалвоний илмий меросини “المبسوط” - “ал-Мабсут» (Кенг қамровли), “كتاب النواذر” – “Китаб ал-Навадир” (Нодир нарсалар китоби) “الفتاوى الصغرى” – “ал-Фатава ас-Суғро” (Кичик фатволар тўплами) ва бошқа асарлари ташкил этади. Факихнинг отаси фақир киши бўлиб ҳолвапарзлик ва ҳолва сотиш касби билан шуғулланган алломанинг ўзи ҳам ота касбини умрининг охиригача қилган.

Аллома, Шамс ал-аимма ҳанафийлар пешвоси ва ўз диёрида раъй тарафдорларининг раиси эди (аз-Заҳабий, 177). Ундан Шамс ал-аимма ас-Сарахсий, Фахр ал-ислом ал-Баздавӣ, укаси Садр ал-ислом Абу-л-Юср, Шамс ал-аимма Бакр ибн Муҳаммад аз-Заранжарӣ илм ўрганганлар. Алломанинг вафот

санаси, қаерда вафот этганлиги ва нисбаси хусусида турли хил фикрлар мавжуд (Лакнавий, 1903:118).

Хусомуддин Садр аш-Шаҳид 473/1090 йилда Марв шаҳрида таваллуд топган (Садр аш-Шаҳид, 1977-78, Ж.1: 47; Brockelmann, GAL, Ж.1: 640). Унинг тўлиқ исми Хусомуддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Бухорийдир. У ўз даврининг етук фақиҳлари ва қозиларига дарс берган. Манбаларда Хусомуддин вафотида қадар Бухорода яшаб ижод этган ва мазкур шаҳарда “Моза” ёки “*Бану Моза*” (Моза фарзандлари) номи иблан танилган оила вакили ҳисобланганлигини зикр қилинади (Қураший, 1993, Ж.2:74). Садр аш-Шаҳид нисбаси эса фақиҳга вафотидан кейин берилган. Садр аш-Шаҳид йигирма йил давомида, яъни 512/1118 – 19 йилдан 536/1141 йилгача яъни умрининг охиригача Бухоро раиси лавозимида фаолият юритган (Ислом энциклопедияси, 2004:204). Садрлик мартабаси унга Султон Санжар томонидан берилган (Лакнавий, 1998:98). Хусомиддин Садр аш-Шаҳиднинг шаҳид сифати билан ном қозониши 536/1141 йилда Султон Санжар қўшинлари билан Қорахитойлар ўртасида бўлиб ўтган жангда ҳалок бўлиши билан боғлиқ.

Садр аш-Шаҳид дастлабки илмни ўз отаси Абдулазиз ибн Мозадан олди (Қураший, 1993, Ж.2:312, 364).

Садр аш-Шаҳид Мовароуннаҳрнинг икки йирик фикҳ мактаби ҳисобланган Бухоро ва Самарқанд фикҳ мактабларининг кўп йиллик анъаналарини бир жойга жамлаган. Келгусида ушбу асар доирасида янги тадқиқотлар олиб бориш Мовароуннаҳрга хос фикҳ илми анъаналарининг янги қирраларини очиб бериши шубҳасиз.

Бурҳонуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ас-Садр ас-Саъид ибн Моза ал-Бухорий. Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий гарчи ҳаёти давомида Бухоро ва Самарқандда яшаб ижод этган бўлса-да, аслида у 551/1156 йили ҳозирги Марғилон шаҳри ҳудудида таваллуд топган.

Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг вояга етиши, фикҳ илми соҳасида машҳур бўлишида унинг Бухоро ва Самарқандда Оли Моза ёки Садрлар номи билан машҳур бўлган оиласи ҳам муҳим рол ўйнаган.

Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг фақиҳ сифатида танилишида унинг Самарқанддаги фаолияти муҳимдир. Бухорода Оли Моза оиласи билан маҳаллий олимлар ва сўнгги Қорахонийларнинг хони ҳисобланган Қилич Арслонхон Усмон (599/609-1202/1212 йй.) ўрта-сидаги зиддиятларнинг кескинлашуви оиланинг Самарқандга келиб ўрнашишига сабаб бўлган (Hunkan, Karahanlılar:389; Муминов, 2003:199).

Алломанинг асарлари, асосан, Самарқандда битилгани, “ал-Муҳит” асарининг илк нусхалари ҳам шу шаҳар хаттотлари томонидан кўчирилган. Масалан, хаттот Абу-л-Фатҳ ‘Абдулқоҳир ибн Аби Бакр ибн ‘Али ал-Марғиноний 660-663/1262-65 йилларда Самарқанддаги ал-Амириййа мадрасида “ал-Муҳит”ни китоб шаклига келтирган (Ушбу кўлёзма ЎЗР ФА ШИ фондида № 3102 рақам остида сақланади).

Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг устозлари, асосан, ўз оиласидан чиққан фақиҳлардир. Аллома асосий билимни ўз отаси ас-Садр ас-Саъиддан олган (Маъсумий, ал-Муҳит:68; ал-Кафавий:105а; Кашф аз-зунун, Ж.2:1620).

Ас-Садр ас-Саъиднинг йирик шогирдлари қаторида ўз ўғли Маҳмуд ва машҳур “ал-Ҳидойа” асарининг муаллифи Бурҳонуддин ал-Марғиноний тилга олинади (ат-Тамимий, Ж.2:107).

Нуруддин ас-Собуний. XII асрда мотуридия мактабининг яна бир атоқли вакили Аҳмад ибн Маҳмуд ас-Собуний ўз асарлари билан катта шухрат қозонди, фикҳ илми ва мотуридия калом мактабининг ҳомийси сифатида эътироф этилди.

Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Абу Бакр бўлиб, манбаларда «ал-Имом ал-ажалл» (Буюк имом), «Нур ад-дин» (Дин зиёси), «Носир ал-Ҳақ» (Ҳақ ёрдамчиси) ва ас-Собуний лақаблари билан шухрат қозонган. Куняси айрим манбаларда Абу Муҳаммад, баъзиларида Абулмаҳомид шаклида берилади.

Нуруддин ас-Собуний 16-сафар 580 йил/30-май 1184 йил чоршанба куни куёш ботиш чоғида ҳаётдан кўз юмиб, Бухородаги «Кузоти сабаъ» (Етти қози) макбарасида дафн этилган (Тоҷут-тарожим: 10).

Нуруддин ас-Собуний Абу Мансур ал-Мотуридий таълимоти асосида бир неча илмий асарлар яратган. Унинг китоблари ушбу таълимотни ёйиш, унинг мураккаб томонларини шарҳлаш, муҳолифлар қарашлари ва саволларига илмий жавоблар беришга бағишланган.

Шамс ал-аймма аз-Заранжарий. Бакр ибн Муҳаммад ибн Али ибн Фазл ибн Ҳасан Шамс ал-аймма аз-Заранжарий (1037-1120) иктидорли олим ва ханафий мазҳаби ҳимояси бўйича зарбулмасалга айланган имом эди. Ўз шаҳрининг аҳолиси уни «Кичик Абу Ҳанифа» деб аташарди. У фикҳ илмини Абдулазиз ал-Ҳалвонийдан ўрганиб, ундан ривоят қилган охирги киши ҳисобланади.

Аз-Заранжарий узоқ умр кўрган, ханафий мазҳаби бўйича кўп қиррали маълумотга эга бўлиб, фатво олиш учун ҳар доим унга мурожаат қилинган. У фикҳ илмини тарқатиш, ҳадислар ривоят қилиш ва имло айтиш бўйича катта хизматлар қилган. 512/1120 йил Бухорода вафот этиб, Калободда дафн этилган.

Самарқанд мактаби. Абу Наср ас-Самарқандий. Ҳоким Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандийнинг *“Шурут ва ‘улуму-с-сукук”* ҳамда *“Илм аш-шурут ва-л-васоиқ”*, *“Русум ал-қузот”* асарлари Мовароуннаҳрда тузилган ҳужжатлар ва уларни тузиш қоидалари тарихини очиб берувчи муҳим манбалар сирасига киради. Аллома 486/1093 йилда Самарқандда таваллуд топган ва 550/1155 йилда шу шаҳарда вафот этган (Кураший, 1993:215).

Абу Наср ас-Самарқандий, *“Имом ал-ҳуда”*, *“Фақиҳ”* номлари, *“Абу-л-Лайс”* кунyasi билан машҳур бўлган Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандийни (ваф. 375/985 й.) ўзига устоз санаб, унинг асарларидан талабаларга дарс берган (Ҳожи Халифа, Ж.П:1046). Абу Наср ас-Самарқандийнинг ўзи *“ҳоким”* кунyasi билан машҳур бўлган (Каҳҳола, 1980, Ж.2:109).

Алоуддин ас-Самарқандий. Марказий Осиёда ҳанафийларнинг буюк имомларидан бири Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий (ваф. 1145) фикҳ илмини Абу Муин Маймун ал-Макхулий ва Садр ал-ислом Абу-л-Юср ад-Баздавийдан ўрганиб, ўз даврининг буюк алломаси сифатида тан олинган ва ҳанафий ҳуқуқшунослиги тараққиётига муҳим ҳисса қўшган (Комилов, 2000:13-15). У ёзган *«Тухфат ал-фуқаҳо»* (Фақиҳлар тухфаси) номли китоб ҳанафий фикҳи бўйича катта эътиборга эга бўлиб, унга шарҳлар ёзилган. У, ўз қизи Фотимани ёшлигидан тарбиялаб, истеъдодли фақиҳ ва олим даражасига етказган эди. Фотима фатво бериш ваколатига эга бўлиб, ушбу соҳада отаси билан ҳамкорлик қилиб келган. Алоуддин ас-Самарқандийнинг шогирди ва куёви, Қорахонийлар даврининг буюк фақиҳи имом Абу Бакр ибн Масъуд ал-Косоний ўз устозининг *«Тухфат ал-фуқаҳо»* китобининг давоми сифатида *«Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ»* номли уч жилдлик асар ёзиб, ўз устозига тақдим этган. Шарҳ устозга манзур бўлиб, ўзининг қизи Фотимани унга никоҳлаб берган (Ҳожи Халифа, Ж.1: 294).

Алоуддин ас-Самарқандий фикҳ илмидан ташқари калом илми бўйича ҳам Ҳанафий мазҳабининг йирик вакиллари билан бири сифатида имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг издоши ва таълимотининг тарқатувчиси бўлган.

Фотима бинти Алоуддин. Фотима отаси Алоуддин ас-Самарқандийнинг *«Тухфат ал-фуқаҳо»* китобини ёздан билган, отасига фатво чиқаришда ёрдам бериб, фатволар ҳар иккаласининг ижозати билан чиққан. Абу Бакр ал-Косонийга турмушга чиққандан кейин фатволар ҳар уччаласининг муҳри билан чиқарилган. Баъзан эри Абу Бакр хатога йўл қўйганда Фотима унинг хатосини тўғрилаб келган (Ал-Фавоид:193).

Манбаларда Алоуддин ас-Самарқандийнинг қизи Фотима ҳақидаги қуйидаги сўзлари зикр қилинади: «У, мазҳабни янгича нақл қилар экан, фатво биринчи унинг ижозати билан чиқар, кейин отасининг ижозати билан. Рамазон ойида фақиҳларга фитр садақасини беришни биринчи марта Фотима жорий қилган» (ал-Кураший, Ж.1:277).

Фотима ўз эри Абу Бакр ибн Масъуд ал-Косоний билан баъзи сабабларга кўра, бир муддат Ҳалаб диёрида истикомат қилганлар.

У эрини Ҳалабдан кетишга ундаган. Буни эшитган Нуриддин Маҳмуд Занкий Косонийни чақириб, уни қолишга кўндиради. Нимага кетмоқчи эканлигининг сабабини сўраганда, у устозининг қизига хилоф иш қила олмаслигини айтади. Кейин Нуриддин Маҳмуд у билан маслаҳатлашиб, Фотимага бир аёлни юбориб уни кўндиради ва улар умрларининг охиригача Ҳалабда қолиб, ҳанафий фикҳини тарқатиш билан шуғулланадилар.

Алоуддин қизи Фотима 577 йил ражаб ойининг учинчи куни вафот этиб, Ҳалаб шаҳрида *«Зоҳири Ҳалаб»*да мақоми Иброҳим Халилнинг ичида дафн этилган (ал-Кураший, Ж.1: 278-279).

Абу-л-Лайс ас-Самарқандий. Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад ас-Самарқандий Самарқанднинг забардаст олимларидан бири эди. У *«ал-Фақиҳ»* лақаби билан ҳам машҳур бўлган. Бу лақабни олиши тўғрисида ушбу ҳодиса келтирилади:

Абу Лайс ас-Самарқандий *«Танбеҳ ал-Ғофилин»* китобини ёзиб бўлганидан кейин ўз китобини олиб Пайғамбаримизнинг равзалари — қабрларига келиб шу ерда тунаб қолади. Кечаси тушида Пайғамбаримиз унга ўша китобни кўрсатиб *«Китобингни олгин, эй фақиҳ!»*, деб марҳамат қилаётганини кўради. Мана шундан кейин Абу-л-Лайс ас-Самарқандий ушбу лақабни табаррук деб юрар экан (Муавваз ва бошқ., 1993: 6).

У шунингдек, *«Имом ал-ҳуда»* лақаби билан ҳам машҳур бўлган. Бу лақаб билан Абу Мансур ал-Мотуридий ҳам танилган эди.

Унинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумот йўқ (Абдуллаев, 2002:28-31). Вафотининг тарихи ҳақида ҳам кўрсатилган саналар фарқлидир.

Абу-л-Лайс ас-Самарқандий биринчидан ўз отаси Муҳаммад ибн Иброҳимдан дарс олган. Унинг устозлари: Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний, ал-Халил ибн Аҳмад ас-Сажазий, Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Балхий ва бошқалардир.

Унинг шогирдлари: Лукмон ибн Ҳаким ал-Фарғоний, Абу Молик Наим ал-Хатиб, Муҳаммад ибн Абдуррахмон аз-Зубайдий, Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад, Абу Абдуллоҳ ал-Ҳаддодий ва бошқалар бўлган.

Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил Абу-л-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий (ваф.341/953) – фақиҳ ва мутакаллим. Абу Мансур ал-Мотурудийдан фикҳ ва калом илмидан дарс олган. Бу алломанинг кўплаб ҳикматлар билгани ва ажойиб нотик бўлгани учун унга “ал-Ҳаким” нисбаси берилган. Абу Бакр ал-Варроқ ва бошқа кўплаб балхлик шайхлар суҳбатларида бўлиб, улардан тасаввуф илмини ўрганган (Лакнавий, 1903: 127). Узоқ муддат Самарқандда қозилик қилган. Сомоний ҳукмдорлардан Наср ибн Аҳмад даврида (932 й) унинг топшириғига биноан каломга оид асар ёзган бўлиб, у кейинчалик форс тилига таржима қилинган (Камалиддинов, 1993:157). Бундан ташқари унинг фикҳга доир яна учта асари бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Аҳмад ибн ал-Аббос ибн ал-Ҳусайн ибн Ияд Абу Наср ал-Иёдий (ваф. X аср) – таникли фақиҳ. Фикҳ илмини Абу Мансур ал-Мотуридид билан бирга Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжонийдан ўрганган. Аллома ўз фарзандлари Абу Аҳмад Наср ибн Аҳмад ал-Иёдий, Абу Бакр Муҳаммад ал-Иядийлар ва қатор бошқа шогирдларга устозлик қилган. Бу зот кофирларга қарши ғазотга бориб асир тушган ва шаҳид бўлган. Манбалар бу зотнинг насаби Саъд ибн Аббод ал-Ансорий ал-Хазражийга тақалишини хабар қилади (Лакнавий, 1903:27).

Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Исо ал-Қози Абу Зайд ад-Дабусий (ваф.430/1039) – фақиҳ, Абу Жаъфар ал-Уструшанийнинг шогирди бўлган (Камалиддинов, 1993:157).

Абу Зайд Дабусий Бухоро билан Самарқанд оралиғида жойлашган, ҳозирда Самарқанд вилоятига тегишли «Дабусия» қишлоғида (ўтмишда шаҳар бўлган) туғилиб ўсган, «Қузоти сабаъ» (Етти машҳур қози)дан бири бўлмиш Абу Зайд Убайдулло (баъзи манбаларда Абдулло) ибн Умар ибн Исо ад-Дабусий ислом ҳуқуқи бўйича «Илм ал-хилоф» деб аталган янги фаннинг асосчиси эди. У аҳли сунна мазҳаблари орасидаги ихтилофларни тартибга солиб, илмий услубда ўрганиш қоидаларини яратиб берган ва кўп илмий асарлар ёзган.

Ад-Дабусийнинг усул ал-фикҳ бўйича ёзган китоби бу соҳада ёзилган асарларнинг энг муҳимларидан бири ҳисобланади (Bedir, 1999:320).

Насаф мактаби. Нажмуддин Абу Ҳафс ан-Насафий. Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий (1070-1143) ҳанафий мазҳабининг йирик намояндаларидан бири, усул ал-фикҳ, тафсир, ҳадис, калом илмлари, араб тили ва адабиёти бўйича салоҳиятли ва иқтидорли олим, ҳофиз ал-Қуръон бўлган.

У фикҳ илмини Садр ал-ислом Абу-л-Юср Муҳаммад ал-Баздавийдан ўрганган ва ўғли Абу-

л-Лайс Аҳмад ан-Насафийни фақиҳлик даражасига етказиб тарбиялаган. Самъоний ёзишича, у «ал-Жомий ас-Сағир»ни назмга киритган. «Ҳидоя» муаллифи ўзининг баъзи бир асарларини унинг назаридан ўтказган.

Садр ал-ислом ал-Баздавий (Паздавий). Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Мусо Абу-л-Юср Садр ал-ислом ал-Баздавий усул ва фуруъ бўйича салоҳиятли олим сифатида танилган. Ундан Умар ан-Насафий, Алоуддин ас-Самарқандий ва бошқалар фикҳ илмини ўзлаштирганлар. Аллома калом ва фикҳ илмлари бўйича самарали илмий фаолият олиб борган. Унинг “усул ал-фикҳ”га доир асари ҳозирги кунга қадар Ҳиндистон ва Покистон мадрасаларида мўътабар манба сифатида эътироф этиб келинади. Садр ал-ислом 493/1101 йил Бухорода ҳаётдан кўз юмган.

Али ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Мусо ал-Паздавий (Баздавий) (400/1010-481/1089) фикҳ илмининг йирик намояндаларидан бири, Мовароуннаҳр фикҳ мактаби ривожига улкан ҳисса қўшган олим. Ниҳоятда самарали ижод қилиб, бой илмий мерос қолдирган. Аллома Самарқандда дафн этилган. Умуман, бу оиладан бошқа қатор йирик фақиҳлар ҳам етишиб чиққан. Жумладан, алломанинг укаси Абу-л-Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдулкарим ал-Қози ҳам йирик фақиҳ бўлган (Лакнавий, 1903:152).

Шош мактаби. Қаффол аш-Шошийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил бўлиб, у фикҳ, тафсир, ҳадис, тилшунослик ва бошқа кўплаб илмларда машҳур олимлар етишиб чиққан Шош шаҳри, ҳозирги Тошкент шаҳри ҳудудида дунёга келган. Унинг туғилган йили ҳижрий 291 (*милодий 904*) йил эканлиги барча тарихий манбаларда таъкидланган.

Қаффол нисбаси ҳақида манба ва тарихий адабиётларда “... қулфсозлик касбига боғлиқ. Бу ном билан шошлик Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Аш-Шоший машҳур бўлган. У ўз асрининг имоми, фақиҳ, усул олими ва шоир бўлган. У шарқу ғарбда бирдек машҳур бўлган” (Ал-лубоб фи таҳзибил ансоб, Ж.2: 174) яна “Бу Абу Бакр фақиҳ қулфсоздир, фикҳ билан қийин очиладиган қулфларни ҳам очади”, дейилган” (Ал-ансоб, Ж.10:211).

Аллома қаламига мансуб бўлган асар “Маҳосин ал-Шариа фи Фуруъ ал-Шофеийя”да фуруъ ал-фикҳнинг барча мавзуларини шофеий фикҳи асосида ёритиб берган. Бошқа фикҳий асарлардан фарқли тарзда ислом ҳуқуқи меъёрлари ҳикматларини очиб беришга катта эътибор қаратган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид аш-Шоший (397/ 1007—485/1092 йй.) — имом, аллома,

факих, Шошда туғилган. Ўз юртида фикҳ илмини Абу Бакр Санжийдан ўрганган. Ундан кўп кишилар фикҳ илмидан сабоқ олишган. Абу Бакр Ҳомид аш-Шоший фикҳ илмида шухрат қозониб, «Имом» даражасига етишган. Уни Ғазна султони ўз шаҳрига таклиф қилиб, иззат-икром билан кутиб олган. Манбаларда Абу Бакр Ҳомид аш-Шоший Ғазнада яшаб, фарзандлар кўрган ҳамда асарлар ёзганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор. Сўнгра уни буюк вазир Низом ал-Мулк Ҳиротга чорлаган. Ғазна аҳли уни оиласи билан Ҳиротга ҳурмат билан кузатган. У Ҳиротдаги «Низомия» мадрасасида мударрислик қилган. Бу ерда у Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шошийнинг шогирди Мансур Қоғазийдан ҳадис илмини ўрганган. У 485/1092 йил шаввол ойининг 6-куни Ҳиротда вафот этган.

Тоҳир ибн Абдуллоҳ Илокий (ваф. 1073 й.) — имом, муҳаддис ва факих бўлиб, Шайх Имом Абу Рабиъ номи билан танилган. Илоқ туркларга туташ (чегарадош) Шош воҳасига қарашли юртдир. Ўрта асрларда Илоқ кўҳна Шош воҳасининг жанубий қисмида Оҳангарон дарёси ҳавзасида жойлашган бўлиб, бу ердан ҳам кўплаб олимлар етишиб чиққан. Айниқса, у фикҳ имоми бўлиб, уни пухта эгаллаган эди. Аллома ўз замонасининг раҳнаомаларидан ва фикҳ илми зукколарида бўлган. У илм талабида дунё кезиб, машҳур уламолар суҳбатидан баҳраманд бўлган. У фикҳ илмини Марвда Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аҳмад Қафғол Марвазийдан, Нишопурда эса Абу Тоҳир Муҳаммад Зиёдий, Бухорода Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Ҳалимийдан ўрганади. Усул илми бўйича эса устози Абу Исҳоқдан таълим олди. Кейинчалик Шош аҳллариға фикҳдан сабоқ берган. Олим ҳадисларни устози Абу Нуъайм Абдулмалик ибн Ҳасан Азҳарий ва бошқалардан ривоят қилган. Манбаларда кўрсатилишича, 465/1073 йилда 96 ёшида вафот этган.

Абу Ражоъ Муъмил ибн Масрур ибн Абу Саҳл ибн Маъмун аш-Шоший ал-Хумракий (440/1049-517/1123 йй.) факих ва муҳаддис бўлиб, Шош воҳасидаги Хумрак деган шаҳарчада туғилган. Хумрак - Мовароуннаҳр вилоятларидан Шошдаги шаҳарчадир (Муъжам ал-булдон, Ж.2389; ал-Ансоб, Ж.5: 175). Абу Ражоъ Муъмил аш-Шоший илм-маърифат талабида юрт кезган. У Бухорода Абу Хаттоб Табарий ҳамда Ғазнада шошлик машҳур факих Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид аш-Шошийдан фикҳ илмини ўрганган (Табакот аш-шофиъия ал-кубро, Ж.4: 203). Муъмил аш-Шоший ўз билимини бойитиш мақсадида сафар қилиб, Раис Абу Абдулло Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Раққий, Абу Яъқуб Юсуф ибн Мансур Сайёр Ҳофиз, Абу Абдулло Иброҳим ибн Али ат-Табарий (Абу

Хаттобнинг ўғли), Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий Ҳофиз, Абулмузаффар ибн ас-Самъоний ва бошқалардан фикҳ илмидан сабоқ олган. Манбаларда кўрсатилишича, Муъмил аш-Шоший умрининг сўнги йилларида Марвда яшаган (Муъжам ал-булдон, Ж.2: 389; ал-Ансоб, Ж.5: 175). Муъмил аш-Шоший Марвда 517/1123 йил Зулҳижжа ойининг учинчи ўн кунлигида чоршанба куни вафот этган ва Розик дарёси бўйидаги ўз хонақоҳининг дарвозаси ёнига дафн қилинган (Муъжам ал-булдон, Ж.2: 389; ал-Ансоб, Ж.5: 175).

Уструшана мактаби. Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Маждуддин ал-Уструшаний. Мовароуннаҳрда яшаб, юксак илмий салоҳияти билан фикҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган алломалардан биридир. Олим Уструшанада туғилиб, кейин оиласи билан Самарқандга кўчиб ўтади ва шу ерда ижодий фаолият олиб боради. Маждуддин ал-Уструшанийнинг ҳаётлик даври Самарқанд фикҳ мактаби ривожининг сўнги даври ва мўғуллар истилосининг дастлабки босқичига тўғри келади.

Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ал-Уструшанининг илмий-маънавий меросини «Китаб ал-фусул», «Жомий аҳком ас-сиғор», «Қуррат ал-айнайн фи ислоҳ ад-дорайн», «ал-Фатово» (Brockelmann, 1937:653; Исмоил Бошо ал-Бағдодий, Ҳадият ал-орифин, 1992: 113; Каҳҳола, Муъжам ал-муаллифин, 1993, Ж.11:317-318; СВР, Ж.IV:256-257; ал-Аълом, Ж.7:86; Hanefi fikh alimlari: 63; Халидов, 1986, Т.1:206-207; Mâverâünnehir fakihlerinden el-Usrûşenî: 243-249, 415-427), «ал-Қуруд ва-д-дуйун» ва «ал-Асъила ва-л-ажвиба» каби асарлари ташкил этади.

Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ал-Уструшаний 625/1228 йилдан кейин Самарқандда вафот этган,

Абу Саъд Юнус ибн ал-Фазл ал-Уструшаний Уструшанада туғилиб, шу ерда дастлабки илмни олади ва кейинчалик илм-маърифат истаб Самарқандга бориб, Абдуллоҳ ибн Аййуб ал-Мухаррамидан ҳадислар ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни Абу Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ас-Самарқанди ривоят қилган. Аллома фикҳ соҳасида ҳам ижод қилган факихлардан саналади (ал-Ансоб, Ж.1: 146). Аммо мавжуд манбада бирор мансаб эгаси бўлгани ёки ўз даврида унинг мавқеи қандайлиги, ҳаттоки, таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида ҳам бирорта маълумот келтирилмаган.

Луқмон ибн аш-Шаъби ибн Сулаймон ал-Уструшаний Уструшанада Х асрда туғилиб, шу ерда вафот этган. Аллома фикҳ соҳасида ҳам самарали ижод қилиб, кўплаб шогирдлар етиштирган. У ўз

замонасида Бухоро қозиси бўлган Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр ибн аш-Шаъбий ибн Сулаймон ал-Уструшани (ваф. 404/1013 й.)нинг амакиси бўлиб, унга устозлик қилган (ал-Ансоб, Ж.1:147).

Хоразм мактаби. Абу-л-Мафохир ал-Кардарий. Имом Абдулғафур ал-Кардарий ибн Лукмон (баъзи манбаларда Нуъмон) ибн Муҳаммад, Шараф ал-кузот, Тожуддин Абу-л-мафохир, Шамс ал-аимма лақаблари билан шуҳрат қозонган. У Хоразмнинг Кардар минтақасига мансуб бўлиб (Кардар Қорақалпоғистоннинг Нукус туманида жойлашган. Қаранг: Муъжам ал-булдон, Ж.4: 450), ўз даврининг атоқли алломаси ҳисобланади.

У Ҳалабга бориб, у ерда Ҳаддодин мадрасасида ҳам мударрислик қилган. У ҳар доим ўз атрофида талабаларни йиғиб, дарс бериб келган. Унинг машхур шогирдларидан бири Шайх Шихобуддин Абулфазл Муҳаммад ибн Юсуф Али ал-Ғазнавийдир.

У ҳанафий мазҳабида усул ал-фикҳ ва фкркх ал-фикҳ соҳаларида бир неча китоблар ёзиб қолдирган ва машхур фикҳ китобларини шарҳ қилган.

Султон Нуруддин Муҳаммад Занкий даврида Ҳалабнинг қозиси бўлган ва шу ерда 562/1166 йили вафот этган.

Шамс ал-аимма Кардарий. Шамс ал-аимма Абулважд Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад ал-Имодий ал-Кардарий ал-Бараткий 559/1163 йил Кардарнинг Бараткин туманида туғилган. Ёшлик давридан илмга қизиқиб, Хоразмга борган ва у ерда аз-Замахшарийнинг шогирди «Муғриб» ва «Шарҳ ал-Мақомот» китобларининг муаллифи шайх Бурҳонуддин Носир ибн Абулмакорим ал-Мутарризийдан араб тили ва адабиёти бўйича дарс олган. У ҳар доим илм талабида юриб, бу ишда жуда тиришқоқ бўлган. У олимлар суҳбатини ёктириб, мажлисларига қизиққан ва жуда кўп илм аҳли ва фақиҳлар хизматида бўлган. Тарихчилар унинг устозлари сонини чексиз дейишади. У тафсир, ҳадис, хусусан, ҳанафий мазҳаби фикҳи бўйича буюк олим бўлган.

Ёшлигида Самарқандга бориб «Ҳидоя» китобининг муаллифи Бурҳонуддин ал-Марғиноний ва «Ширъат ал-Ислом» китобининг муаллифи Шайх Имомзода Маждуддин ал-Маҳҳод ас-Самарқандийдан дарс олган ва улардан ҳадис ва фикҳ илмларини ўрганган.

Шамс ал-аимма Муҳаммад ал-Кардарий 9-муҳаррам 642 йил/18-июн 1244 йил жума куни Бухорода вафот этган ва шаҳардан ярим фарсах узоқликдаги Сабзамун қабристонида Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ас-Сабзамуний қабрининг ёнига дафн этилган.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шихоб ибн Юсуф ибн Умар ибн Аҳмад ал-Кардарий ал-

Баззозий. Ҳанафий мазҳабининг йирик фақиҳ олимларидан бўлиб, ҳижрий 729-816/1329-1424 йиллари яшаган (ал-Кардарий, ал-Жомий ал-Важиз: 01а). Олимнинг “Баззозий” деб аталишига қараганда у газлама тижорати билан шуғулланган (Баззоз – (арб.) газлама сотувчи, газламачи маъноларини англатади). Олим илк таҳсилани отаси Носируддин ал-Кардарийдан олиб, кейинчалик юксак даражада такомиллаштирган. Самарқанд, Бухорога борган (ал-Кардарий, ал-Жомий ал-Важиз: 01а), Булғор, Туркияга (Юзеева, 2003:46) сафар қилган, ҳажга борган. Муҳаммад ал-Кардарий бир неча асарлар ёзган. Унинг асарларидан энг машхури “ал-Жомей ал-Важиз” (Ушбу асар кўлёзма нусхасининг биринчи жилди ЎЗР ФА Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида 6644 рақами остида сақланади) асари бўлиб, мазкур асар халқ орасида “ал-Ғатово ал-Баззозия” номи билан машхур (аз-Зириклий, 1998, Ж.4:45).

У Итил (Волга) дарёсининг ёнидаги Сарой шаҳрида маълум муддат яшаган. Кейинчалик Қрим шаҳрига сафар қилиб, у ерда ҳам бир неча йил яшайди. Қримда олимлар, имомлар ва фақиҳлар билан суҳбат қилиб, улар билан мунозара ўтказди. Манбаларда ёзилишича, олим 827/1424 (Шестрбитий: № 4388) йили рамазон/август ойининг ўрталарида (Юзеева, 2003: 46) Кардарда (<http://www.ummnet.kz/index.php?id=35>) вафот этган.

Фарғона мактаби. Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Алоуддин ал-Косоний (ваф. 1191/585). Фикҳ илми йирик вакили. Машхур фақиҳ Алоуддин Муҳаммад ас-Самарқандийнинг шогирди ва унинг “تحفة الفقهاء” “Тухфат ал-Фуқаҳа” (Фақиҳлар тухфаси) га “بدائع الصنائع في ترتيب الشرائع” “Бада’и ас-Сана’и фи Тартиб аш-Шара’и” (Шариат тартибида ажойиб санъатлар) номли шарҳ битган олим (Комилов, 2000:14). Рум подшоҳининг элчиси сифатида Ҳалабга Нуриддин Маҳмуд хузурига юборилган. Шу подшоҳнинг ҳукмдорлик замонида Димашқда ҳанафийлик мазҳаби имоми мансабида турган (Лакнавий, 1903:68). Алломанинг рафиқаси Фотима бинти Алоуддин Муҳаммад ҳам олима бўлиб, фикҳ илмини мукамал эгаллаган. Манбаларнинг хабар беришича, олима отасининг “Тухфат ул-Фуқаҳо” асарини ёд олган. Абу Бакр Алоуддин ал-Косоний ва рафиқаси Суриянинг Ҳалаб шаҳридаги “Мақоми Ҳалил” қабристонида дафн қилинган.

Бурҳонуддин Абулҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний 1118 йил ҳозирги Марғилон яқинида Риштон туманида туғилиб, 1197 йил Самарқандда оламдан ўтган.

Бурҳонуддин Марғиноний фикҳий нуктаи назардан, ҳукукий масалаларни изоҳлаш жараёнида,

уларнинг машруъ (раво, қонуний) ёки номашруъ (нораво, ғайриқонуний) эканлигини нақлий далиллардан кейин, ақлий далиллар билан ёритиб ўтади. Ушбу нуқтаи назардан «ал-Ҳидоя»ни ислом ҳуқуқи фалсафаси ва кейинги даврларда кенг ривожланган “ҳуқуқ фалсафаси” фанининг манбаларидан бири дейилса, тўғри бўлади.

Бурҳониддин Марғинович ёзган тўрт жилдлик «ал-Ҳидоя» китоби суннийлик оқимида ҳанафий мазҳаби бўйича бир муҳим ва мукаммал ҳуқуқий кодекс сифатида 55 дан ортиқ китоб, юзлаб боб ва фаслдан таркиб топган бўлиб, мерос ҳуқуқидан ташқари, ислом ҳуқуқининг барча соҳаларини қамраб олади.

Бурҳониддин Марғинович мерос ҳуқуқини ўз китобига киритмаганининг сабаби шундаки, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа мерос муаммоларини бир алоҳида фан сифатида фикҳий боблардан ажратиб, уни “*ал-Фароиз*” деб атаган.

Бурҳониддин Марғиновичнинг шоҳ асари “ал-Ҳидоя” энг мўтабар ҳуқуқий дарслик сифатида саккиз асрдан буён бутун ислом дунёси, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳинд ярим ороли, Туркия ва кўп араб мамлакатлари учун энг дақиқ ва ишонарли манбалардан бири вазифасини ўтаб келмоқда.

“*ал-Ҳидоя*” Миср Араб Республикасидаги энг қадимий дорулфунун “ал-Азҳар”, Франциянинг Сарбонна, Афғонистон Ислом дорулфунуни, Ҳиндистон Алигарх университети, “Девбанд” дорул-улуми, бошқа ислом мамлакатлари олий ўқув юрғларининг ўқув дастурларига киритилган. Бу улуг китоб қонун тузиш тизимини ривожлантириш учун асосий манбалар сифатида қўлланиб келинмоқда. Афғонистон ва Ҳинд ярим оролида “Канз” ва “ал-Қудурий” китобларидан кейин, “ал-Ҳидоя”ни етук устоздан ўқиб тамомламаган толиб ҳақиқий фикҳ олими ҳисобланмайди.

Сонд ибн Аъсад ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Амирак ал-Марғинович лақаби Зиёуддин (ваф. XII аср). Соҳиб Ҳидоя унга “Жомеъ ат-Термизий”ни Марғилонда ўқиб берган. Соҳиб Ҳидоя Бурҳонуддин ал-Марғинович уни ўзининг “*كتاب المشايخ*” “Китоб ал-Машайих” “Машойихлар ҳақидаги китоб”ида зикр қилади. Бу китобда, шунингдек ундан эшитган ҳадисни ҳам зикр қилади.

Абу Бакр ибн Ҳотим ар-Ришдоний (ваф. XII аср) ал-Ҳаким номи билан танилган тақводор имом бўлган. Бурҳонуддин ал-Марғинович ўзининг устозлари рўйхатида уни Ришдонда қолган устозлари қаторида зикр қилган.

Абу Бакр ибн Зиёд ал-Марғинович тақводор инсон. Узоқ муддат Марғилонда имом хатиб

вазифасида бўлган. Ибодатда мужтаҳид киши бўлган. Бурҳонуддин ал-Марғинович “*كتاب المشايخ*” “Китоб ал-Машайих” “Машойихлар ҳақидаги китоб” асарида бу инсон шарафига мактов ғазаллар битилганини зикр қилган.

ХУЛОСА

VIII аср бошларида шарқ ва юнон-рум маданияти билан қувватланган ислом маданиятининг минтақага кириб келиши ва маҳаллий маданият билан қўшилиши Мовароуннаҳрда маданий юксалиш омили бўлиб хизмат қилди. Натижада, Ўрта Осиё X-XII асрлардан бошлаб мусулмон ўлкалари маданияти ривожига етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

IX-X асрларда фикҳ илми асосан шаклланиб бўлди. Шу даврдан бошлаб мусулмонлар жамиятида содир бўлиши мумкин бўлган барча ҳуқуқий масалаларга ечим топиш йўллари мужтаҳидлар томонидан ишлаб чиқилгани ва бундан кейин барча масалалар ана шу мазҳаблар доирасида ҳал этилиши ва янги мазҳабларни юзага келтирадиган даражадаги ижтиҳод қилиш тўхтатилгани хусусида барча мазҳаб уламолари норасмий ҳулосага келдилар.

Давлат ҳокимияти Қорахонийлар (ҳукм дав. 999-1212 йй.)га ўтгандан кейин Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг ривожини ва такомилни учун таъсирчан омиллар юзага кела бошлади. Ушбу омиллардан бири Қорахонийлар давлати қарор топиши натижасида «Мовароуннаҳрнинг Хуросон билан алоқалари заифлашиб, оёққа турган маҳаллий мактабларнинг мустақил ривожланишига асос яратилди. Марказий шаҳарларда автоном яъни шаҳар бошқарувининг кучайиши ҳанафий уламолари таъсир доирасининг кенгайишига олиб келди. Бу билан фикҳ нормаларини ҳаётга татбиқ этишга реал шароит яратилди. Бухоро ва Самарқанд ҳақиқий илм марказларига айлантирилди. Бу шаҳарларда Насаф, Марв, Хоразм, Фарғона минтақаларидан келган фақиҳлар ҳам фаолият кўрсатдилар.

Марказий Осиёда фикҳнинг ривожини учун Қорахоний ҳукмдорларининг фикҳ – ислом ҳуқуқи ва қонунларига қизиқиши ва ҳуқуқий нормаларнинг амалий ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда давлатни жамиятни бошқаришда фақиҳлар хизматидан кўприк сифатида фойдаланиши натижасида, X-XIII асрларда фақиҳлар ташаббуси билан давлат ва аҳоли ҳимояси остида маҳаллий мактаблар аста-секин ўсиб, ривожланиб, катта илмий мадрасалар даражасига кўтарилиши рўй берди. Сони кун сайин ошиб бораётган мадрасаларнинг катта харажатлари вақф мулкларидан тушган даромадлар билан

копланди. Давлат арбоблари, хайр-эхсон эгаларига айланиб саройлар, дўконлар ва ҳаммомлар куриб, уларни ва баъзан ўз ерларини мадрасаларга вақф қилиб, илм-маърифат ҳомийларига айландилар. Мударрислар, вақф мулкларига масъул мутаваллилар ва толиби илмларнинг маошлари ушбу мулклардан келадиган даромадлар ҳисобидан тўланиши ва илм аҳли етарли моддий рағбатлантирилиши Мовароуннаҳрда фақиҳлар сонининг кўпайиши ва ҳанафий мазҳабининг ривожланиб ёйилишига сабаб бўлган. Мазкур даврда 3000 га яқин фақиҳлар, 5000дан кўпроқ ҳанафий ва шофеъий мазҳабига доир фикҳий (ҳуқуқий) асарлар, 200та фатово (фатволар мажмуалари) ёзилиб, улардан 95 фоизи ҳанафий мазҳабига тегишли бўлган.

Мовароуннаҳрда фикҳнинг ҳанафийлик мазҳаби устувор бўлишини таъминлаган омиллар сифатида маҳаллий фикҳ мактаби шаклланишида мазҳаб асосчисининг сафдоши ва шогирди имом Муҳаммад аш-Шайбонийнинг шогирди Аҳмад ибн Ҳафс Абу Ҳафс ал-Бухорий (ваф. 216/832) нинг хизматларини, иккинчидан, мазкур мазҳабнинг мезон ва тамойиллари маҳаллий шарт-шароитларга кўпроқ мос келганлигидир

Бундан ташқари маҳаллий фикҳ мактабининг шаклланишига Балхдаги йирик ҳанафийлик марказининг таъсири ҳам анашу омиллардан биридир.

Энг эътиборлиси, бу даврда Мовароуннаҳрда фатво чиқара олиш қувватига эга фақиҳлар кўпчиликини ташкил этган. Мазкур даврнинг хусусияти - фақиҳларнинг ҳар хил мавзу ва ижтимоий соҳалардаги турли масалалар бўйича чиқарган фатволари тўпланиб, муайян муаллифларнинг асарларида жамланган. Айни пайтда бундай тўпламларнинг элликдан ортиғи шаклланган.

Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг фаолияти ўрта асрларда Яқин Шарқда илму маърифат ва маданият ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Бу минтақа фақиҳлари маҳаллий халқ анъаналарини, урф-одат ва расм-русумларини исломнинг илмий мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил этиб, уларни янги тарихий шарт-шароитларга мослаштиришга хизмат қилдилар ва бу соҳада ўзига хос мактаб яратдилар. Бу эса ўз навбатида, Ўрта Осиё халқларининг ахлоқий, ҳуқуқий ва маънавий қадриятлари ислом маданияти ва ҳуқуқшунослигида ўз аксини топишида улкан ўринга эга. Мовароуннаҳр фикҳ мактаби вакиллари қатор Шарқ мамлакатлари ва Русиянинг мусулмон минтақаларида маҳаллий фикҳ мактаблари шаклланиши ва ривожига муҳим ўрин тутиб, мусулмон маданияти равнақига бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Мўғуллар истилоси Мовароуннаҳрда илм-фан тараққиётига катта салбий таъсир кўрсатди. Бошқа илм соҳалари қатори фикҳ илмида ҳам турғунлик кузатилди. XIII асрга келиб минтақа фақиҳлари мусулмон дунёсидаги ўз етакчи мавқеларини йўқота бордилар.

Мазкур даврда фикҳ илми ривожини асосан илк уйғониш даврида яратилган фундаменталь асарларга шарҳ, таълиқлар битиш шаклида давом этди.

Натижада мўғулларгача бўлган даврда яратилган асарларга қатор шарҳлар ёзилди ва бу асарлар оммалашиб борди. Бу асарлар ўз даврида муҳим аҳамият касб этди.

Ҳанафий мазҳаби Марказий Осиё ва Мовароуннаҳр ҳудудида кенг қўламда тарқалган бўлиб, уларнинг жуда кўп йирик ва салоҳиятли вакиллари ва имомлари, ҳам эътиқод соҳасида, ҳам ҳуқуқ соҳаларида ушбу муҳитда камолот даражасига етиб борганлар. Улар, ҳанафий мазҳабининг ҳуқуқий ва ақидавий асосларини ташкил этувчи Абу Ҳанифа асарлари ва унинг иқтидорли шогирдлари Шайбоний, Абу Юсуф қаламига мансуб «Зоҳир ар-ривоя» китоблари, «Китоб ал-хироҷ» ва бошқа фикҳий асарларга асосланган ҳолда ниҳоятда муҳим ҳуқуқий асарлар ҳамда Ироқ ҳанафий мактабида ёзилган классик ҳанафий фикҳига доир асарларга шарҳлар яратиб, ҳозирги кунга қадар мазҳабнинг ривожини ва гуллаб яшнашига улкан ҳисса қўшиб кетганлар.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев, А. (2002). Абуллайс ас-Самарқандий ҳаёти ва ижоди. Тошкент ислом университети илмий таҳлил ахбороти, (1), 28–31.
2. Абдулқарим ас-Самъоний. (1999). Насабнома (Ал-Ансоб) (А. Раззоқ, тарж.). Бухоро: Бухоро.
3. Абул Муин Насафий. (2017). Табсират ал-адилла (С. Оқилов, тарж. ва изоҳлар муаллифи, Ж. 1). Тошкент: Хилол-нашр.
4. Аз-Заҳабий. (б.й.). Сияру аълом ан-нубало (Ж. 18).
5. Ат-Тамимий. (б.й.). Ат-Табақот (Ж. 2).
6. Бартольд, В. В. (1963). История Туркестана. В Собрание сочинений (Т. 2, Ч. 1). Москва.
7. Bedir, M. (1999). The Early Development of Hanafi Usul al-Fiqh (Doctoral dissertation). Manchester: University Press.
8. Bedir, M. (2010). Buhara Hukuk Okulu (Vakıf hukuku bağlamında 10–13. yüzyıl Orta Asya Hanefi hukuku üzerinde bir inceleme). İstanbul: Edam Akademi Kitaplığı.
9. Brockelmann, C. (1937). Geschichte der arabischen Litteratur. Supplementband I. Leiden.
10. Исмоил Бошо ал-Бағдодий. (1992). Ҳадият ал-‘орифин. Байрут.

11. Камалиддинов, Ш. (1993). «Китоб ал-ансаб» Абу Са'да Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Сам'ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент.
12. Каххола, У. Р. (1980). Муъжам ал-муаллифин (Ж. 2). Байрут: Дор ихёи-т-турос ал-арабий.
13. Комилов, М. М. (2000). Мовароуннахр фикх илим ривожида Алоуддин ас-Самарқандийнинг ўрни ва «Тухфат ул-фуқаҳо» асарининг аҳамияти (Тарих фанлари номзоди диссертацияси автореферати). Тошкент.
14. Кураший, Абу Мухаммад Абдулқодир ибн Абилвафо Мухаммад ибн Мухаммад Мисрий. (1993). Жавоҳир ал-мудийа фи табақот ал-ханафийя (Ж. 1–5, А. М. Хулв таҳрири остида). Қоҳира: Ҳижр.
15. Мухаммад Абдулхай Лакнавий. (1998). Фавоид ал-бахийя фи тарожим ал-ханафийя (А. Заҳабий таҳрири остида). Байрут: Дор ал-Арқам ибн ал-Арқам.
16. Мухаммад Наршахий. (1966). Бухоро тарихи. Тошкент.
17. Мухаммад ал-Кардарий ал-Баззозий ал-Хоразмий. (б.й.). Ал-Жомий ал-Важиз (Қўлёзма, Сулаймония кутубхонаси, №158). Истанбул.
18. Муминов, А. К. (1990). Мавераннахрская школа фикха (IX–XIII века). Общественные науки в Узбекистане, (10), 40–41.
19. Муминов, А. К. (2003). Роль и место ханафитских 'улама' в жизни городов Центрального Мавераннахра (II–VII/VIII–XIII вв.) (Докторская диссертация). Ташкентский исламский университет.
20. Хайруддин аз-Зириклий. (1998). Ал-Аълом (Ж. 4). Байрут: Дор ал-илм ли-л-малайин.
21. Халидов, А. Б. (1986). Арабские рукописи Института востоковедения Академии наук СССР (Т. 1). Москва: Наука.
22. Хусомуддин Садр Шахид. (1977–1978). Шарҳ адаб ал-қози ли-л-Хассоф (Ж. 1–4, М. Ҳ. Сархон таҳрири остида). Бағдод: Дор ал-Араб.
23. Юзеева, А. Н. (2003). Очерки Марджани о восточных народах. Казань: Татарское книжное издательство.
24. أبو الحسنات محمد عبد الحي الكنوي. (1903). الفوائد البهية في تراجم الحنفية. قازان.
8. Bedir, M. (2010). Buhara Hukuk Okulu (Vakif hukuku bağlamında 10–13. yüzyıl Orta Asya Hanefi hukuku üzerinde bir inceleme). Istanbul: Edam Akademi Kitaplığı.
9. Brockelmann, C. (1937). Geschichte der arabischen Litteratur: Supplementband I. Leiden.
10. Isma'il Basha al-Baghdadi. (1992). Hadiyyat al-'Arifin. Beirut.
11. Kamaliddinov, Sh. (1993). Kitab al-Ansab of Abu Sa'd Abd al-Karim ibn Muhammad al-Sam'ani as a source for the history and cultural history of Central Asia. Tashkent.
12. Kahhala, U. R. (1980). Mu'jam al-Mu'allifin (Vol. 2). Beirut: Dar Ihya' al-Turath al-'Arabi.
13. Komilov, M. M. (2000). The role of Ala al-Din al-Samarqandi in the development of fiqh in Mawarannahr and the significance of Tuhfat al-Fuqaha (Candidate dissertation abstract). Tashkent.
14. Al-Qurashi, Abu Muhammad Abd al-Qadir ibn Abi al-Wafa Muhammad ibn Muhammad al-Misri. (1993). Jawahir al-Mudiyya fi Tabaqat al-Hanafiyya (Vols. 1–5). Cairo: Hijr.
15. Muhammad Abd al-Hayy al-Laknawi. (1998). Al-Fawa'id al-Bahiyya fi Tarajim al-Hanafiyya. Beirut: Dar al-Arqam ibn Abi al-Arqam.
16. Muhammad Narshakhi. (1966). Bukhoro tarixi. Tashkent.
17. Muhammad al-Kardari al-Bazzazi al-Khwarazmi. (n.d.). Al-Jami' al-Wajiz (Manuscript No. 158). Istanbul: Süleymaniye Library.
18. Muminov, A. K. (1990). Mawarannahrskaya shkola fikha (IX–XIII veka). Obshchestvennye Nauki v Uzbekistane, (10), 40–41.
19. Muminov, A. K. (2003). The role and place of Hanafi ulama in the urban life of Central Mawarannahr (II–VII/VIII–XIII centuries) (Doctoral dissertation). Tashkent Islamic University.
20. Khayr al-Din al-Zirikli. (1998). Al-A'lam (Vol. 4). Beirut: Dar al-'Ilm li al-Malayin.
21. Khalidov, A. B. (1986). Arabic Manuscripts of the Institute of Oriental Studies of the USSR Academy of Sciences (Vol. 1). Moscow: Nauka.
22. Husam al-Din Sadr Shahid. (1977–1978). Sharh Adab al-Qadi li al-Khassaf (Vols. 1–4). Baghdad: Dar al-'Arab.
23. Yuzeeva, A. N. (2003). Ocherki Mardzhani o vostochnykh narodakh. Kazan: Tatarskoe Knizhnoe Izdatelstvo.
24. Abu al-Hasanat Muhammad Abd al-Hayy al-Laknawi. (1903). Al-Fawa'id al-Bahiyya fi Tarajim al-Hanafiyya. Kazan.

REFERENCES

1. Abdullaev, A. (2002). Abu al-Lays al-Samarqandiy: Hayoti va ijodi. Toshkent Islom Universiteti Ilmiy Tahlil Axboroti, (1), 28–31.
2. Abd al-Karim al-Sam'ani. (1999). Al-Ansab (A. Razzoq, Trans.). Bukhara: Bukhoro.
3. Abu al-Mu'in al-Nasafiy. (2017). Tabsirat al-Adilla (S. Oqilov, Trans., Vol. 1). Tashkent: Hilol-Nashr.
4. Al-Dhahabi. (n.d.). Siyar A'lam al-Nubala' (Vol. 18).
5. Al-Tamimi. (n.d.). Al-Tabaqat (Vol. 2).
6. Bartold, V. V. (1963). Istoriya Turkestana. In Sobranie sochineniy (Vol. 2, Part 1). Moscow.
7. Bedir, M. (1999). The Early Development of Hanafi Usul al-Fiqh (Doctoral dissertation). Manchester: University Press.